



O'zbekiston Respublikasi  
IV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqsa boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 10-oktabr, shanba • № 41(4142)

## Ўзбекистон – Туркманистон: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 7 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 8 октябрь куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Туркманистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарағига фахрий қоровул саф тортиди. Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шохсупага кўтарилидилар. Икки мамлакат давлат мадхиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

АЗалий қўшни ва қардош бўлган ўзбек ва туркман халқлари ўтасидаги муносабатлар мустакиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Бугун Ўзбекистон – Туркманистон алоқалари 2007 йилда имзоланган дўйста науқиши муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатларо шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожида Ислом Каримов билан Гурбангули Бердимухамедовнинг яқин дўстлиги, бир-бiri га ҳурмати ва ишончи муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўтасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларни ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Туркманистоннинг Махтумкули номидаги халқaro мукофоти билан тақдирланган. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўтасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта хизматлари учун Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республика-

сининг "Мустақиллик" ордени топширилган.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов топ доира даги музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўтасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб миңтақавий ва халқaro масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Туркманистон раҳбарининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари тарихида муҳим сиёсий воқеа, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганинг далолати эканини таъкидлади.

Туркманистон Президенти давлатимиз раҳбарига тақлиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўтасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини маннуният билан қайд этди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўтасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқaro майдонда бир-бiri га қўллаб-кувватлаш тамоиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва миңтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўшаш ёки яқинидir. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суворен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлилар, чегараларнинг даҳллизлиги, низоларни тинч ўйл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик коидаларига ва халқaro хуқуқнинг умумъетироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркманистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчликсеварлик, яхши қўшничилик тамоилларига курилган.

(Давоми 2-бетда).

## МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИШ ИШОНЧЛИ ҚЎРИҚЛОВНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Техника тараққиётидан ортда қолмаган, замон билан ҳамнафас қадам ташлаган киши ҳеч қачон ютқазмайди, доимо олға интилади. Буни ички ишлар идоралари хузуридаги қўриқлаш хизмати мисолида ҳам яққол қўриш мумкин. Соҳага замонавий қўриқлаш жиҳозлари, сигнализация курилмалари, тезкор техника во-ситаларининг жалб этилаётгани, ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги муттасил ошириб борилаётгани туфайли мазкур хизматга бўлган талаб кундан кунга ортмоқда.

Бугун тадбиркор дўкони ёки ишлаб чиқариш корхонасини беркитиб, хавотирсиз уйига ўйл олмоқда. Қайсиdir бир фуқаро эса ўй-жойи, хонадонин қаровчисиз қолдириб, ҳордик чиқариш учун оиласи билан табиат қўйнига чиқиб кетяпти. Улар уйим ёки дўконим эгасиз қолди, ўғри тушиши мумкин, дея хавотирга тушмайди. Кўнгли хотиржам. Негаки, уларнинг ўй-жойи, корхона ёки дўконлари қўриқлаш хизмати назоратида, бу обьектларга бўладиган ҳар бир хатти-ҳаракатни техник қўриқлаш пульти осонгина илгайди ва ходимлар тез фурсатда тегишли чораларни қўришади.

Айни пайтда Ангрен шаҳар ИИБ хузуридаги шаҳарлараро қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан 98 та обьект ва 83 та фуқаро хонадони ишончли қўриқлаб келинмоқда. Аҳоли, мусассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъект-



лари орасида мазкур хизматнинг афзалликлари юзасидан ўтказилётган тарбибот ишлари натижасида кейинги вақтда мижозлар сони ортиб боряпти. Буни жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида қўшимча равишда 13 та обьект, 44 та фуқаро хонадони қўриқка олинганида ҳам қўришмиз мумкин.

Бўлим томонидан обьектларда майда ташмачилик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, корхона ва ташкилотлар жамоалари ҳамда аҳоли ўтасидан профилактик сұхбатлар ва учрашувлар ўтказиляпти, бошқа кўплаб тадбирлар ташкил этиляпти. Шунга қарамай, у ёки бу маҳсулотни яширинча олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари кузатилмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Шавкат ҚАҲХОРОВ олган суратлар.

У  
Ш  
Б  
У  
С  
ОН  
Д  
А

### ФИДОЙИЛИК НАМУНАСИ



4-бет



МАХОРАТ ВА ТАЛАБЧАНИЛК  
ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА  
МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА

6-бет

### МАРДЛИК, ЖАСОРАТ, ҚАҲРАМОНЛИК УЛАРГА ХОС

8-бет



ИНСОН  
ҚАДР-ҚИММАТИГА  
ТАХДИД

10-бет

### СУЯНЧИК

12-бет



# ПИРИ БАДАВЛАТ КЕКСАЛАР

Қасида



Умримизнинг кўркидур пири бадавлат кексалар,  
Одамийлик мулки ичра бизга ибрат кексалар.

Ой каби нурлар сочур баҳтдан чароғон юзлари,  
Офтоб каби бағри кенг, соҳиб саҳоват кексалар.

Бу ҳаёт бўстонида чин меҳрибон боғбон мисол,  
Мехнатидан топгани роҳат-фарогат кексалар.

Жонажон фарзандларига дилда бор меҳрин бериб,  
Сўнг набиралар камолин кўзлаган мард кексалар.

Эл аро сиз эзгуликлар айлаб эъзоз иҷрасиз,  
Хур Ватанини яшнатишга кони ғайрат кексалар.



Қари билганни дегайлар, пари билмас ҳеч қачон,  
Ҳар муаммонинг ечимин топгай албат кексалар.

Байраму тўйларда доим камтарин тўйбошидур,  
Оқилу олийжаноб, феъли аломат кексалар.

Тоғ каби мағрур, улуғвор, кўксидা кек сакламас,  
Яхшиликлар қиласа-да, қилмайди миннат кексалар.

Сиз – отамнинг отажони, Сиз – онамнинг онаси,  
Иzlарингиз кўзга суртай, пойи жаннат кексалар.

Сиз дуога қўл очиб, омад тиларсиз барчага,  
Дилдаги орзу-умид бўлгай ижобат, кексалар.



Ўзбекона бу мурувват, ақлу хуш, одоб учун –  
Таъзим айлаб айтажакмиз сизга раҳмат, кексалар!

Фаҳр этармиз сиз билан, сиз – нури иймон қальласи,  
Борлигинги ўзи бизга катта давлат, кексалар.

Айтадур Зикрилло доим тинч-омон бўлсин замон,  
Бахтизига сиз бўлинг соғу саломат, кексалар!

**Зикрилла НЕЬМАТ.**



**Эълон \*\*\* Эълон \*\*\***

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ахборот хизмати» ижодий танловини эълон қиласди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқаруви институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилиди.

### Танлов шартлари

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот – 2015 йилнинг 1 январидан 1 деқабригача давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазириллар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари ахборот хизмати ходимининг Ф.И.Ш. ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

кин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

**Йилнинг энг яхши ахборот хизмати рахбари** – жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркян шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати рахбарининг Ф.И.Ш.нинг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

**Энг яхши расмий сайт** – давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга кундалик ташриф буюрчилар сони, чоп этилғатган ахборотнинг ғоявийбадиий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркян усуслда таърифлаш.

**Йил кашфиёти** – жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик



жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркян шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари Ф.И.Ш. матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

### Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш

– давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий камрови, расмий саҳифа ва Интернет ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулокот самарадорлигини эркян шаклда таърифлаш.

**Журналист назидидаги энг яхши ахборот хизмати** – давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари, массмедиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиши даражаси, шаклланган журналистлар пули-

нинг мавжудлиги, журналистлар учун маҳсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркян шаклда таърифлаш.

**Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари** – танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси иловава қилинган ҳолда тўлдирилган бланкни ташкил.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

### Танлов галибларига совринлар

Галиблар ҳар бир номинация бўйича маҳсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материаллар 2015 йилнинг 4 декабригача «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

**Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.**

### Танлов олтида номинация бўйича ўтказилади:

– йилнинг энг фаол ахборот хизмати;

– йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;

– энг яхши давлат ҳокимиияти ва бошқаруви органлари расмий сайти;

– йил кашфиёти;

– маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш учун;

– журналист назидидаги энг яхши ахборот хизмати.

### Номинациялар бўйича танлов хужжатлари рўйхати

**Йилнинг энг яхши ахборот хизмати** – жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эр-

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IVI BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS:  
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinnbosari – **Qobiljon SHOKIROV**  
Mas'ul kotib v.b. – **Zokir BOLTAYEV**  
Navbatchi – **Furqat G'AYBULLAYEV**  
Sahifalovchi – **Rustam ISOQULOV**  
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:**  
231-33-88;  
**Faks:** 254-18-79.  
ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami  
20210000900447980001,  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod  
tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlari egasiga qaytarilmaydi.  
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi  
ko'rsatilishi shart.  
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa  
ijodiy uyi bosmaxonasida chop  
etildi. Korxona manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-4109. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 67847 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**